

---

## РИШТОНДА - “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН - ЯНГИ САЙЛОВЛАР” МИЛЛИЙ АКЦИЯСИ ЎТКАЗИЛДИ

**Вилоят ҳокимлиги ва “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати ҳудудий бўлинмаси томонидан шаҳар ва туманларда “Янги Ўзбекистон - янги сайловлар” миллий акцияси бўлиб ўтмоқда. Ана шундай акция бугун Риштон туманида ҳам ўтказилди.**

Маълумки, 22 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари учун сайловлар бўлиб ўтади.



Фуқароларни, хусусан, ёшларни миллий сайлов қонунчилигимиз билан таништириш, уларнинг фаоллигини ошириш ҳам муҳим вазифалардан биридир.



Риштон туманидаги яқинда фойдаланишга топширилган “Водий давр кинсаройи” да ташкил этилган акцияда аҳоли ва ёшлар ўзларининг фаоллигини яна бир бор намоиш этди. Мазкур тадбирда сиёсий партиялар вакиллари, санъаткорлар ва ёшлар иштирок этишди.



Риштон туман ҳокими ўринбосари Р. Қосимов, "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати ва партиялар вакиллари сўзга чиқиб бўлажак сайловлар кўп партиявийлик, шаффофлик ва демократик 2 / 3 тамойиллар асосида ўтказилаётганлигини таъкидлашди.

Иштирокчиларга сайловлар ҳақида қизиқарли маълумотлар тақдим этилди.

2019-12-14 15:27:05